

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ЯШОВЧИ ХОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА ЭПУЛИСНИНГ ОНА ОРГАНИЗМИГА ТАЪСИРИ

**Каримов Расулбек Хасанович^{1.}, Рузметова Дилфуза Тулибаевна^{2.},
Бобожанов Йулдошбой Бахтияр ўғли^{3.}**

**Урганч давлат тиббиёт институти “Патоморфология” кафедраси доценти
(PhD)^{1.}**

**Урганч давлат тиббиёт институти “Акушерлик ва гинекалогия,
онкалогия” кафедраси доценти (PhD)^{2.}**

Урганч давлат тиббиёт институти “Стоматология” кафедраси ассистенти^{3.}

Мавзунинг долзарблиги: Ҳомиладорлик даврида она организмда юзага келадиган дисгормонал ўзгаришлар натижасида турли хил патологияларнинг, жумладан, хомиладор она оғиз бўшлиғида юзага келадиган эпүлис каби шишларнинг ривожланишига туртки бўлади. Эпүлис — оғиз бўшлиғининг юмшоқ тўқималарида, асосан, танглай ва милк соҳаларида ривожланадиган, хомиладорлик билан боғлиқ бўлган фиброз ёки васкуляр тўқимали ўсимта ҳисобланаиб, унинг пайдо бўлишида эстроген ва прогестерон даражасининг ошиши муҳим роль ўйнайди. Хомиладорликдаги эпүлиснинг она организмига кўрсатадиган таъсирлари, жумладан, оғиз гигиенасининг бузилиши, оғриқ, қон кетиш, инфекция хавфи, озикланишдаги қийинчиликлар ва умумий психологик дискомфорт каби ҳолатлар бугунги кунда кузатилиб келинмоқда.

Натижада, эпүлиснинг хомиладорлик давридаги даволаш йўллари ва қай тарзда хавфсиз тарзда олиб борилиши мумкинлигига ҳам эътибор қаратилади.

Эпүлис касаллигининг хомиладорликнинг 2–3-ойликларида кўпроқ учрайди ва кўпинча туғруқдан сўнг ўз-ўзидан йўқолади. Аммо баъзи ҳолларда шишнинг катталашиши ва қон кетиши она организми учун клиник хавф туғдириши мумкин. Шунинг учун, шифокор-стоматолог ва акушер-гинекологлар ўртасидаги мултидисциплинар ёндашув муҳим аҳамият касб этади.

Ишнинг мақсади: ишнинг мақсади сифатида Хоразм вилоятида яшовчи хомиладор аёлларда учраган эпүлис касаллигининг она организмига таъсири ўрганилди.

Олинган натижалар: олиб борилган илмий изланишлар доирасида эпүлис билан оғриган хомиладор аёллар оғиз бўшлиғида оғриқ ва нокулайлик, васкуляр тўқимадан қон кетиш ҳамда унинг натижасида анемия келиб чиқиши, овқатларни тўлиқ чайнай олмаслиги, пародонтит ва гингивит ривожланиши,

эмоционал ва психологик стреслар, уйқунинг бузилиши, рухий тушкунлик билан муружаат қилганликлари аниқланди.

Хулосалар: хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳомиладорликда пайдо бўлувчи эпюлис клиник жиҳатдан хавфсиз бўлса-да, унинг она организмига кўрсатадиган салбий таъсирлари кам эмас. Эпюлис оғрик, қон кетиш, озикланиш муаммолари, инфекция хавфи, тиш тузилмасидаги ўзгаришлар ва психоэмоционал стреслар орқали ҳомиладорликни қийинлаштириши мумкин. Шу сабабли, ҳомиладор аёлларда стоматологик кўрикни ўз вақтида ташкил этиш, эпюлисни эрта аниқлаш ва назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга. Акушер-гинеколог ва стоматолог мутахассисларининг ҳамкорлиги бу борада юқори самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Quranbaevich, K. A., Khasanovich, K. R., & Tulibaevna, R. D. (2024, February). CARIES DISEASE IN YOUNG CHILDREN. In International conference on multidisciplinary science (Vol. 2, No. 2, pp. 35-37).
2. Quranbaevich, K. A., Khasanovich, K. R., Tulibaevna, R. D., & Bakhtiyor o'g'li, B. Y. (2024, January). PREVENTION OF PERIODONTITIS DISEASE IN MIDDLE-AGED WOMEN. In INTERNATIONAL CONFERENCE ON MEDICINE, SCIENCE, AND EDUCATION (Vol. 1, No. 1, pp. 271-274).
3. Курязов, А. К., & Рустамова, Х. Е. (2012). Показатели заболеваемости кариесом зубов у беременных. Уральский медицинский журнал. 2012. Т. 93, № 1.
4. Курязов, А. К., & Муротов, Н. Ф. (2022). Характеристика неспецифических факторов иммунитета ротовой полости у беременных женщин. Тиббиётда янги кун, 10, 48.